O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 280209



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2009 йил 3 март, № 45 (4708) Сешанба

## ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 24-25 февраль кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари дўстона ва ҳамжиҳатлик руҳида музокаралар ўтказдилар, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантириш йўлларини белгиладилар. Томонлар бир-бирини қизиқтирадиган долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар олий даражада эришилган икки томонлама келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам негиз яратганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида мустаҳкам қўшничилик ва дўстона алоқалар мавжудлиги, давлатлараро муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани тасдиқланди. Икки қардош давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро баҳамжиҳат ҳаракат механизмини ривожлантиришга интилаётгани қайд қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, Президентлар бу соҳадаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга эканини таъкидладилар ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва томонлар манфаатларини ҳурмат қилиш принциплари асосидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришга интилишларини изҳор қилдилар.

Давлат бошлиқлари мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг сифатли бажарилиши хизмат қилишини таъкидладилар.

Президентлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясининг 12-13 февраль кунлари бўлиб ўтган мажлиси якунларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Томонлар ўзаро савдо ҳажмининг мунтасил ўсиб бораётганини қайд қилдилар. Қўшма комиссиянинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган қарорларини амалда бажаришга ўзаро тайёр эканликлари тасдиқланди. Тошкентда Туркманистон Миллий кўргазмаси ўтказилишининг муҳимлиги қайд қилинди.

Президентлар маданият, санъат, туризм, спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш ва фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқладилар. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги маънавий ва гуманитар алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлашга содиқлик изҳор қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон мавжуд ҳуқуқий пойдеворга таяниши ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг самарали бажарилишини таъминлаши мумкин. 2007 ва 2009 йилларда икки давлат пойтахтларида биргаликда ўтказилган концертлар икки халқ маданияти яқинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Долзарб халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳам, Туркманистоннинг ҳам минтақа ва халқаро миқёсда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш истаклари борлиги таъкидланди. Президентлар жаҳон ҳамжамияти мақсадлар умумийлигини англаш, ҳозирги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлигини тушуниб етиши, бу йўналишда амалий ишлар қилишга тайёр бўлиши бугун халқаро муносабатларнинг барча тизимларини собитқадам ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланишини қайд қилдилар.

Томонлар Афғонистонда мумкин қадар тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга улар икки мамлакатнинг Афғонистон масалалари бўйича халқаро ташкилотлар иштирокидаги музокаралар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган самарали механизмлар яратиш бўйича ташаббуслари муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Марказий Осиёда кенг доирадаги трансчегаравий таҳдидларга қарши — терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги манфаатлари бир хилдир.

Президентлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларини муҳокама қилдилар. Бу масалалар минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принципларига асосланиб ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши лозимлиги қайд қилинди. Шу билан бирга, трансчегаравий дарёлар манбалари ҳажмининг пасайишига йўл қўймаслик, шунингдек, манфаатдор томонлар билан трансчегаравий дарёларда гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда ошкоралик ва хабардорлик принциплари асосида мустақил халқаро техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизалар ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Музокаралар асносида фақат давлатларнинг биргаликдаги уринишлари, уларнинг глобал тараққиётнинг энг муҳим масалаларига нисбатан келишилган принциплар ва ёндашишларга содиқлиги жаҳон ҳамжамиятига ушбу масалаларни самарали ҳал қилиш усулларини топиш имконини бериши қайд қилинди. Бу тўла равишда энергия манбаларини транспортировка қилишда энергетика хавфсизлигининг глобал тизимини шакллантиришга ҳам тегишлидир.

Давлат бошлиқлари БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда Туркманистон ташаббуси билан қабул қилинган "Энергия манбаларининг ишончли ва барқарор транзити ва унинг халқаро ҳамкорликни оғишмай ривожлантиришни таъминлашдаги роли" номли резолюцияси ва ундаги 2009 йилда Ашхободда энергия манбаларини жаҳон бозорларига транспортировка қилиш масалаларини муҳокама этиш учун халқаро конференция ўтказишга берилган мандатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўз табиий газ захираларининг дунё бозорларига чиқиш маршрутларини диверсификация қилиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ўрганишдан манфаатдор эканликларини изҳор қиладилар.

Президентлар бир-бирини қизиқтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама масала ва муаммолар бўйича мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туришни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Шу маънода халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш масалалари, шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик каби энг долзарб иқтисодий масалалар, маданий-гуманитар ва бошқа бир-бирини қизиқтирадиган соҳаларда ҳамкорлик масалалари устувор ҳисобланади. Икки томонлама маслаҳатлашувлар турли даражаларда ўтказилади. Жумладан, давлат раҳбарлари, икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари раҳбарлари даражасида, расмий делегациялар ташрифлари чоғида.

Президентлар тарихан шаклланган алоқаларга асосланган Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари юқори, сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон халқларининг туб манфаатларига, уларнинг фаровонлигини оширишга жавоб берадиган дўстлик ва ўзаро англашув руҳига тўла равишда мос келишига ишонч билдирдилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, бутун ўзбек халқига Туркманистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга расмий ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф муддати дипломатик каналлар орқали келишилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

**Туркманистон Президенти**
**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 февраль

## МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА КЎЗГУСИ

МОДЕРНИЗАЦИЯ

***Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга молик жиҳат.***



Хусусан, ўтган йили 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бу — 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп, демакдир.

Дарҳақиқат, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хорижлик ҳамкорлар учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар самараси ўлароқ, бугун иқтисодиётнинг барча тармоқларига катта миқдорда чет эл сармоялари жалб этилаяпти.

Пойтахтимиздаги "Elektron hisoblagich" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси шундай ҳамкорлик меваси бўлиб, айни пайтда 60 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу жамоа ойига икки минг донадан кўпроқ уч фазали, йигирма минг донадан зиёдроқ бир фазали замонавий электр ҳисоблагичларни истеъмолчиларга етказиб бераяпти.

(Давоми 2-бетда).

## ЮРТИМ ГЎЗАЛЛИГИ — ҚАЛБЛАРИМИЗ ЧИРОЙИДАН

***Бугун биз истиқболдаги буюк мамлакат — Ўзбекистоннинг бўй-бастини режалаб турибмиз. У эртага қандай бўлиши сизу бизнинг бугунги ҳаракатимизга, тадбиркорлигимизга, иймону виждонимизнинг поклигига ва Ватан манфаатини шахс манфаатларидан қай даражада устун қўя олишимизга боғлиқдир.***

**Ислом КАРИМОВ.**

Мушоҳада

### ҲАВАС

Боболардан келаётган бир эзгу урф бор: меҳнат билан топган таомни еб бўлгач, қўл кўтариб, шу ризқни бергани, шу кунларга етказгани учун Яратганга шукрона ўқилади. Бола эканмиз-да. Бу дуоларнинг узундан узоқлигидан зерикардик. "Уф-фф. Нимага бунча чўзишади-я?" деб қўярдик четга қараб. Энди билсак, бу дуолар бизларга оқибат дарслари экан. Энди билсак, "Бир кун туз еган жойга қирқ кун салом" деган халқнинг боласи эканмиз. Бир кунга(!) қирқ кунлик шукрона.

Агар бу кун мазлумликда эмас, озодликда ўтган бўлса-чи? Бир эмас, 365 кун бўлса-чи? 17 йил бўлса-чи? Демак, ўтган ҳар йилимиздан бир улкан шукрона китоби қолаётир. Йилдан-йилга иш тарозисининг "Қилинган ишлар" томони босиб бормоқда. Бунга Юрт тинчлиги, Ватан равнақи далил. Юртимизга илгари келган 10 сайёҳдан 9 таси таассуротларини солиштириб: "Ўзбекистон йилдан-йилга чиройли бўлиб бораяпти", дейишмоқда. Бу чирой бизнинг қалбларимиз чиройидан эмасми? Балки бу маънавий гўзалликнинг моддий тасдиқларидир?

### 2008 ЙИЛ

2008 йил билан ҳам хайрлашдик. Қадрдон билан хушлашгандек. У ростдан ҳам қадрдон эди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизга гувоҳ бўлди. Ахир у биз билан, озмас-кўпмас, 366 кун бирга яшади. Бирга орзулар қилдик, бирга қувондик, бирга ташвиш чекдик. 366 кунни меҳнатимизнинг ютуқ, натижалари билан бирга тўлдирдик. Худди асаларилар катакчаларни бол билан тўлдиргани каби. Бўш қолдирган баъзи катакларимиз учун у ҳам афсусда кетди.

Тинчлик — одам боласининг азалий орзуси. Унинг чин қадрини нотинчлардан сўранг. Бу дунёда тинч ўтган ҳар бир соатнинг баҳоси баланд. 2008 йилда юртимиз тинч бўлди. Бу — тинчлик учун кураш самараси. Дунёнинг кўп жойларида содир бўлган бало-қазолар, офатлар бизни четлаб ўтди. Юрт тинч яшади. Бунёдкор қурилишлар, йўл солиш, халқ осойиши, деҳқончилик, саноат, демак, саодат Тинчликдан экан.

2008 йил тўйлар йили бўлди.

Яқин йилларгача одамлар тўйни уйларида қилишар эди, десангиз ёшларимиз ишонишмайди. "Бўлиши мумкин эмас", дейишади. Шаҳарларни қўйинг, қишлоқларимизда ҳам тўйни, ҳатто, бешик тўйларни ресторанларда ўтказишаяпти.

Шаҳарларимизда келин-куёвларга хизмат қиламан, деб Ўзбекистон қуёшидан ярқираган лимузинлар турадиган жойлар, ҳар бири қасрдек тўйхоналар кўпайди. Бундай кошоналар энг чекка туманларимизда ҳам қад ростлаётир. Маблағ бор. Қаранг-а, орзу билан унинг рўёби қанчалар яқинлашиб кетганини.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилингани бежиз эмас. Демак, халқ фаровонлиги ошиб бораверади.

### УЮШИШ

Аҳил, дили, эзгу ниятию фидокорона иши бир миллат уюшади. Уюшқоқлик ҳам урф бўлади. Аниқ мақсад, ният уларни дўст, қон-қариндошларга айлантириб юборади. Ҳамқишлоғиникига, маҳалладошиникига келган ҳашарчиларнинг мақсад, нияти, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, аҳиллиги қандай бўлса, аҳил миллат ҳам ўзини шундай тутади.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

***Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилган эди.***

## ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ КАФОЛАТИ

Бу мамлакатимизда жамоат ташкилотлари фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар кўламини янада кенгайтирди. Хусусан, куни кеча пойтахтимиздаги "Dedeman — Silk Road" меҳмонхонасида бўлиб ўтган "Ижтимоий ҳамкорлик — ижтимоий адолат кафолати" мавзуидаги биринчи республика фестивали ҳам мазкур фонд кўмагида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилди.

Тадбир нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги, хусусан, давлат идоралари билан самарали алоқаларидаги ижобий тажрибаларини оммалаштириш, улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уюштирилди.

Фестивалда сўз олганлар мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш орқали кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни катта. Шу боис йиғин иштирокчилари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини муҳофазалашда ўзаро

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ БАЁНОТЛАРИГА БИЛДИРИЛАЁТГАН МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

***Минтақа ҳамда дунё оммавий ахборот воситалари, хорижий эксперт ва сиёсатшунослар Президентлар Ислом Каримов ҳамда Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида гидроэнергетика иншоотларини барпо этиш масаласи юзасидан берган баёнотларини кенг шарҳламоқда.***

Жумладан, **"Казахстан сегодня" ахборот агентлигининг** таъкидлашича, 24-25 февраль кунлари бўлиб ўтган Туркманистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ислом Каримов ҳамда Гурбангули Бердимуҳамедов матбуот анжумани ўтказиб, Амударё ҳамда Сирдарёнинг чегаралараро сув артерияларида жойлашган Тожикистон ҳудудидаги Роғун ГЭСи ҳамда Қирғизистон ҳудудидаги Қамбарота ГЭСини халқаро экспертиза ўтказмасдан туриб, барпо этишга қаршилик билдиришди.

**"Азия-плюс" ахборот агентлиги (Тожикистон)** Ислом Каримовнинг минтақадаги сув-энергетика масалаларини ҳаддан ташқари сиёсийлаштирмаслик ва уни фақатгина "бўлиб юбор ва ҳукмронлик қил" тамойили амал қиладиган муаммога айлантирмаслик кераклиги тўғрисидаги фикрига урғу беради. Бунга Марказий Осиё давлатлари йўл қўймасликлари керак.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги гидроэнергетика лойиҳаларида иштирок этишга тайёр эканини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов холисона халқаро экспертиза ўтказиш зарурлигини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари иккита оддий саволга жавоб олишни хоҳлайди: мазкур йирик гидроэлектростанциялар барпо этилгандан сўнг чегаралараро дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларга борадиган сув ҳажми камайса нима қилиш керак ва Оролнинг қуриши муаммосини қандай ҳал этмоқ зарур? "Мана шу саволларга жавоб беринг ва сув оқимининг қай йўсинда ўзгаришини кўрсатиб беринг. Минтақа бор-йўғи 70 фоизгагина сув билан таъминлангани боис сувсизликдан азоб чекиб турган бир пайтда биз эртага яна қанча сувдан маҳрум бўламиз, — деди Ислом Каримов. — БМТ шафелигида таркиби бетараф ва ушбу масалага алоқадор бўлмаган экспертлардан иборат комиссиянинг холис экспертиза ўтказиши шунчалар мушкулми?".

**"Авеста" ахборот агентлиги (Тожикистон)** икки давлат раҳбарларининг сўзларини шарҳлаб, шундай ёзади: "Президент Ислом Каримов минтақанинг икки йирик дарёси — Амударё ва Сирдарё бутун Ўрта Осиёни ҳамда Қозоғистоннинг бир қисмини сув билан таъминлашига урғу берди. Бу ерда гап сув ресурсларини тақсимлашга яна бир аралашув ҳақида кетмоқда. Совет даврида "буюк" сув омборлари, "буюк" ГЭСлар етарлича барпо этилган. Бунинг салбий оқибатлари эса бугун сезилмоқда".

"Шарқда "сувсиз ҳаёт йўқ" деган ибора бор, — Ўзбекистон Президентининг сўзларидан кўчирма келтиради "Авеста". — Шундай экан, биз мазкур муаммоларга янада масъулият билан ёндашишимиз керак. Ҳаммамиз йиллар ўтгани сайин фойдаланиш, одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари олиш мумкин бўлган ер ҳажми камайиб бораётганини яхши англаб турибмиз. Қурғоқчиликлар, ерларнинг ботқоқланиши, чўллашуви давом этмоқда. Мен бу мавзуга кенг тўхталганимнинг боиси — сув муаммолари мазкур минтақа мамлакатлари учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиш".

"Авеста" Ўзбекистон Президенти муҳокама қилинаётган сув-энергетика лойиҳалари турли хулосаларни келтириб чиқараётганига эътибор қаратганини таъкидлайди. "Шундай фикр ҳам борки, у, айниқса, россиялик сиёсатшунослар ва матбуот учун хос. Учраётган баъзи баёнотларга кўра, бу масала, гўёки, минтақанинг ҳал этиб бўлмайдиган муаммоларидан бири. Унинг моҳияти шундан иборат бўлаяптики, минтақада истиқомат қилаётган халқлар ва давлатлар ўзаро келишувга эриша олмайди. Шу боис мазкур муаммони ҳал этишда катта ресурсларга эга бўлган учинчи томон иштирок этиши шарт".

Ўзбекистон масалага бундай ёндашиб бўлмайди, деган

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ БАЁНОТЛАРИГА БИЛДИРИЛАЁТГАН МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

фикрда. Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Минглаб йиллар давомида бу ҳудудда турли халқлар яшаб келган, умуман бошқа давлатлар мавжуд бўлган ва бу масалалар муваффақиятли тарзда ҳал этиб келинган. Бу масалани минтақанинг ҳал этиб бўлмайдиган муаммоси дейишдан кўзланган мақсад — умуман бошқа”, — деб ёзади ахборот маҳкамаси.

**«Evrazia» (АҚШ, Буюк Британия)**нинг таъкидлашича, Ислом Каримов чегаралараро дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда Амударё ва Сирдарёда гидроэнергетика лойиҳаларини амалга ошириш муаммолари ҳақида гапириб, Ўзбекистоннинг бу борадаги ёндашуви аниқ ва равшан эканини айтиб ўтган. “Биз гидростанциялар қурилишига мутлақо қарши эмасмиз. Агар бу нафақат икки мамлакат, балки мазкур минтақада жойлашган барча давлатлар манфаатларига жавоб берса, марҳамат, қуринглар. Нега икки йирик дарёнинг суви келиши лозим бўлган жанубдаги халқлар эртага азоб чекиши керак?! Буни мазкур мамлакатлар халқларига тушунтириб бериш ниҳоятда мушкул”.

**Россиянинг “Регнум” ахборот агентлиги** Ўзбекистон билан Туркманистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги қарашлари мос эканини таъкидлаб, Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам Орол денгизи фожиаси мазкур муаммонинг долзарблигини, айниқса, яққол тасдиқлаб туради, деган фикрга қўшилди”, деган сўзларини келтиради.

Илгари “Регнум” ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон томони очиқлик ва манфаатдор томонларнинг ахборот билан тўлиқ таъминланиши тамойиллари асосида ҳар томонлама мустақил халқаро техник-иқтисодий ва экологик экспертиза ўтказилиши шарти билан Тожикистон ва Қирғизистондаги энергетика иншоотларини қуришга инвестиция киритишга тайёрлигини маълум қилгани тўғрисида хабар қилганди.

**«Би-би-си мониторинг»** икки мамлакат раҳбарларининг матбуот анжуманида билдирган фикрларидан кўчирмалар келтириб, Президентлар минтақанинг чегаралараро дарёларида гидроэнергетика иншоотларини барпо этиш борасидаги барча лойиҳаларни халқаро экспертизадан ўтказиш муҳимлигини таъкидлашганини айтади.

Туркманистон Президенти Ўзбекистоннинг ёндашувини қўллаб-қувватлаб, шундай деди: “Барчамиз ўз мажбуриятларимизни бажаришимиз керак. Туркманистоннинг фикрича, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар, Ислом Абдуғаниевич айтиб ўтганларидек, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиши керак. Шу боис чегаралараро дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакат сифатида биз сув ҳажмининг камайишидан манфаатдор эмасмиз ва бунга қаршимиз. Биз халқаро аудит ўтказилиши тарафдоримиз”.

**“Немис тўлқини”**да Ислом Каримов ҳамда Гурбангули Бердимуҳамедов сув-энергетика муаммолари, хусусан, Тожикистонда ГЭС қурилиши масаласини муҳокама қилгани қайд этилади. «Тожикистон томонининг сув омборларидан фойдаланишдаги экологик хавфсизликни таъминлаши тўғрисидаги баёнотларига қарамай, Ўзбекистон сув тўпланиши оқибатида дарё оқимининг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги зарар кўришидан хавотирда. Ушбу масала юзасидан Ислом Каримовнинг Гурбангули Бердимуҳамедов билан қарашлари мос келиб, томонлар минтақа мамлакатлари мазкур масалаларни биргаликда, мустақил халқаро экспертиза ва аудит ўтказиш орқали ҳал қилиши даркор деган тўхтамга келди”, деб ёзади немис нашри.

**Қирғизистонлик таниқли олим, сиёсатшунос А. Князев** Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида минтақавий аҳамиятга эга бўлган масалалар, жумладан, сув-энергетика соҳасидаги ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

«Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг ўз гидротехник салоҳиятидан фойдаланиш борасидаги ҳар қандай лойиҳалари, жумладан, хорижий маблағ иштирокида Қамбарота 1-ГЭСини барпо этиш, чегаралараро дарёлар оқимининг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги тарихий ҳуқуқини ҳамда уларнинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши кераклиги алоҳида таъкидланди, — дейди олим. — Бунда чегаралараро сувлардан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишни сув ҳуқуқи бўйича халқаро конвенциялар талабларига таянган ҳолда таъминлаш лозим».

А. Князев, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликни аниқ ва лўнда, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини бирдек ва тенг инобатга олган ҳолда изоҳлашига эътибор қаратди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг ҳар томонлама чуқур ўйланган ёндашуви минтақанинг барча мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этувчи бу муаммони ҳал қилишнинг ягона тўғри йўлидир. Мазкур жараён иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларидаги йирик сув-энергетика иншоотларини барпо этиш лойиҳаларига учинчи томонни жалб қилиш сув ресурсларини тақсимлаш масаласининг адолатли тарзда ҳал этилишига олиб келмаслиги, аксинча минтақадаги икки ёки ундан ортиқ давлат ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни тушунишлари лозим. “Жалб қилинаётган учинчи томон, минтақа давлатлари эмас, балки, аввало, ўз манфаатларидан келиб чиқишини яхши англаб етиш муҳимдир,” деб ҳисоблайди олим.

**«Жаҳон» АА.**

***Ҳадемай мамлакатимизнинг “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни кучга кирганига ҳам икки йил тўлади. Мана шу давр мобайнида ушбу ҳужжатда белгиланган нормаларни турмушимизга жалб этишда қандай ишлар бажарилди, уларнинг тўла-тўкис рўёбга чиқарилишида қандай тўсиқликлар, муаммолар бор? Мухбиримиз мана шундай саволлар билан ушбу Қонун ижросига дахлдор мутасаддилар, соҳа олимларига мурожаат қилди.***

# ЮКСАК ТИББИЙ МАДАНИЯТ

## йод етишмаслиги касалликлари профилактикасида асосий омилдир

**Саид ИСМОИЛОВ, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий Эндокринология маркази директори:**

— Тан олиш керак, бугун кўпгина давлатларда йод етишмаслиги жиддий муаммо саналади. Негаки, асаб, юрак-қонтомир, ошқозон-ичак, суяк-мушак тизимлари, қалқонсимон без ҳамда репродуктив фаолиятга тааллуқли бир қанча касалликларнинг юзага чиқишига айнан истеъмолда йод моддасининг танқислиги сабаб бўлаяпти. Бу, айниқса, ҳомилага, яъни келажак авлодга салбий таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, биз яшаб турган ҳудуддаги сув ва тупроқ таркибида йоднинг жуда кам микдорда учраши боис мамлакатимизда етиштириладиган табиий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали танамизнинг йодга бўлган эҳтиёжини қондира олмаймиз. Мисол учун, 12 ёшдан катталар учун кунига ўртача 150 мг микдорида йод қабул қилиш тавсия этилади. Агар бу табиий шаклда олинса, кунига 5,4 кг хурмо ёки 9,5 кг олма ейиш тақозо қилинади. Шу каби бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу, табиийки, инсоннинг йодга бўлган эҳтиёжини қаноатлантирмайди. Зеро, ҳеч ким бир кун ёки йил давомида бунча микдорда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қила олмайди.

Бугун аксарият хорижий давлатлар тажрибасида озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш усули йўлга қўйилган. Жумладан, айримларида бу борада тегишли қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимизда ҳам 2007 йил май ойидан “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳаётга татбиқ этила бошланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсати мазкур турдаги хасталиклар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилгандир. Инчунин, давлат истеъмол бозорини йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириши қатъий белгиланган. Умуман, бутун дунёда турли озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш тажрибаси мавжуд бўлиб, улар сирасига туз, ёғ, сув ҳамда нон маҳсулотларини йодлаш киради. Аммо, кўпгина давлатлар тажрибасидан маълумки, ушбу профилактика усулларидан энг самаралиси — ош тузини йодлащдир.

Республикамизда туз маҳсулотларини йодлашга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Негаки, тузни барча аҳоли қатламлари истеъмол қилади, қолаверса, уни марказлашган ҳолда ишлаб чиқариш имкони мавжуд. Шу боис ҳам юқорида номи қайд этилган Қонуннинг 15-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи, албатта, йодланмоғи лозим.

Дарҳақиқат, Қонун кучга кириши билан мамлакатимиз бозорларида йодланган ош тузи микдори изчил кўпайиб борди. Мониторинг натижаларига кўра, 1998 йилда ишлаб чиқарилган ош тузининг 6,7 фоизи йодланган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 75 фоизга етди. Албатта, бу натижалар биз учун марра бўлмаслиги лозим. Зеро, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, йодланган ош тузи ишлаб чиқариш 95 фоиздан ошсагина, ҳудудда йод танқислиги ҳолатлари профилактикаси тўла таъминланган саналади.

Ушбу Қонун талабларини рўёбга чиқариш нафақат тегишли давлат идораларига, балки ўз саломатлигини ўйлайдиган барча фуқароларга масъулият юклайди. Хусусан, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Аввало, улар йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Шунингдек, тегишли давлат органларининг аҳолини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Бир сўз билан айтганда, вилоят, туман ҳокимлари масалага жиддий қараса, бозорларда йодланмаган туз олди-бердисига барҳам берилса, рўзғорларда йодланган ош тузи кўпайган, ўз навбатида, у билан боғлиқ касалликлар камайган бўлади.

### Қонун ва ижро

**Омон БОЙҚУЛОВ, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази Овқатланиш гигиенаси бўлими мудири:**

— Сиз тилга олган Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Хусусан, вазирлик тузни ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш бўйича санитария-эпидемиология талабларини белгилайди. Уларнинг сифати, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, олиб кирилиши ҳамда реализация қилинишини мониторинг қилади. Шу боис Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази давлат стандартларига жавоб берадиган йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда. Хусусан, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ва Осиё тараққиёт банки кўмагида 17 та туз ишлаб чиқарувчи ҳамда қадоқловчи корхонани замонавий технология ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлади, уларга йодат калийси етказиб берди. “Йодланган ош тузи” Ўзбекистон давлат стандартининг қабул қилингани ҳамда амалга татбиқ этилгани бу борада айни муддао бўлди. Бу ишлар мамлакатимизда йодланган ош тузи ишлаб чиқаришни 75 фоизга етказиш имконини берди.

Ўзбекистонда йодланган ош тузини мониторинг қилишнинг уч босқичли тизими жорий этилган. Унга кўра, корхоналар ўз лабораторияларида тузнинг дастлаб ички, давлат назорат идоралари эса ташқи мониторингини олиб боради. Реализация пайтида давлат ва жамоат, истеъмол босқичида эса республика ихтисослаштирилган илмий-амалий Эндокринология маркази ҳамда Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари мутахассислари, жамоатчилик томонидан мониторинг ўтказилаётир.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатаяптики, Қонун ижросини рўёбга чиқаришда унинг нормаларини қатъий жорий этиш лозим. Бинобарин, Қонун кучга кирганига икки йилга яқин давр бўлган эса-да, жами туз ишлаб чиқариш ва қадоқлаш корхоналарининг 24 тасидагина йодлаш ускуналари мавжуд. 48 та корхона эса йод миқдорини аниқлаш бўйича махсус лабораторияга эга эмас. “Ўзмедэкспорт” корхонаси маълумотларига кўра, мазкур корхоналардан фақатгина 27 таси йодат калийсини харид қилган. Буларнинг ҳаммаси, демакки, халқимизнинг йодланган ош тузи билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатади. Нега деганда, йодланмаган ош тузининг таннархи бирмунча арзон бўлиб, бозорларимизда фуқароларимизни чалғитишга, оқибатда, уларнинг соғлиғига путур етказишга сабаб бўлаяпти. Йодланган дея, аслида, йодланмаган арзон тузлар савдоси мана шундай хулоса чиқаришга олиб келаяпти. Шу боис, истиқболда мазкур муаммонинг олдини олиш мақсадида Қонуннинг ушбу масалага оид нормасини қатъий амалга оширадиган механизмларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Зеро, мамлакатимиздаги барча ош тузи корхоналарида йодат калийсидан фойдаланиш, шунингдек, туздаги йод миқдорини мунтазам ўз лабораториясида текшириб боришнинг қатъий тартиби жорий қилиниши давр тақозосидир.

**Зулхумор МУТАЛОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институти директори:**

— Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири фуқароларнинг жамиятдаги қонун ҳужжатларига амал қилиши, яъни ҳуқуқий маданияти юксаклигидадир. Худди шу ҳолат инсоннинг ўз саломатлигига бўлган эътиборида, тиббий маданиятида ҳам намоён бўлади. “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида оммавий профилактика тадбирлари сифатида ош тузини йодлаш белгиланган. Аслида, тиббий маданияти юксак бўлган ҳар бир киши харид қилаётган ош тузи йодланган ёки йодланмаганлигига алоҳида эътибор қаратади. Чунки у бу билан ўз оиласининг саломатлигини, фаровон ҳаётини таъминлаган бўлади. Қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолига йод етишмаслиги касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалиши омиллари, бундай касалликларнинг профилактикасига доир чоралар тўғрисида ишончли ва ўз вақтида ахборот берилишини таъминлайди. Шу боисдан ҳам институтимиз жамоаси қишлоқ жойларида йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини йўлга қўйиш мақсадида кенг кўламли тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, маҳалла маслаҳатчилари учун ташкил этилган ўқув-семинарлар самараси ўлароқ, маҳаллалардаги оилаларни ҳам қамраб олиш имкони юзага келди. Йодланган ош тузи истеъмолига доир тарқатма материаллар, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар, бевосита учрашувларда ҳамюртларимизга зарур ахборотлар берилмоқда. Мониторинг таҳлилларига кўра, бугунги кунда аҳолимизнинг асосий қисми — 82 фоизи йодланган ош тузи ҳақида маълумотга эга. Истиқболда мана шу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Содда қилиб айтганда, ҳар бир инсон ўз соғлиғи учун жон куйдирса, рўзғорида йодланган ош тузи истеъмолини таъминласа, сизу биз дуч келаётган муаммо ўз-ўзидан ечим топади. Зеро, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асл моҳияти мана шу оддийгина ҳаёт ҳикматида мужассамдир.

**Қ. ХИДИРОВ тайёрлади.**

**P.S.:** Суҳбатдошларимиз фикр-мулоҳазаларидан, интернет тармоғидаги маълумотлардан шу нарса аён бўлдики, йод етишмаслигининг ечими бор, бўлгандаям жуда содда усулларда ҳал этилади. Хусусан, йодат калийси (ош тузини йодлаш учун ишлатиладиган модда) мамлакатимизга импорт қилинади. Аммо импорт қилинаётган йодат калийси юртимизда истеъмол қилинадиган барча туз маҳсулотларини йодлашга етмас экан. Бизнингча, Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, ушбу масалани ҳал қилиш ҳамда истиқболда уни ташкил этишнинг самарали механизмини яратиш айни муддаодир.



# МАҲСУЛОТ СИФАТИ — КОРХОНА КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхонада дастлабки вақтларда 120 минг дона электр ҳисоблагич тайёрланган бўлса, ўтган йили қарийб 750 минг дона, яъни 9 миллиард 850 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунинг натижасида 170 миллион сўм микдорида соф фойда кўрилди. 2012 йилгача бу ерда 3 миллион дона электр ҳисоблагич ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Сифатли маҳсулот ҳамиша харидоргир бўлади. Шу боис корхона маҳсулотларига нафақат республикамизда, балки бошқа давлатларда ҳам қизиқиш катта. Хусусан, ҳозир Тожикистон Республикаси вакиллари корхона билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

Корхона мутахассислари электр энергиясини назорат қилувчи ва тижорат ҳисобини юритувчи автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимини йўлга қўйгани ҳам ўз самарасини бераётир. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир хонадон ёки корхонада ишлатилаётган электр энергияси доимий ҳисоблаб борилади. Бу эса энергияни тежаш имконини бериши баробарида, истеъмолчи учун ҳам, ишлаб чиқарувчи учун ҳам фойдалидир.

Бундай ўлчов асбоблари пойтахтимизнинг Миробод туманидаги бир нечта мавзеларда ўрнатилди, шу кунларда уларни оммалаштириш мақсадида Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди.

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамкорликнинг аҳамиятини юқори баҳоладилар. Чунончи, жисмоний имконияти чекланганларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг жамиятга тўла интеграциялашуви учун шароит яратишда нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат ташкилотлари зиммасида ҳам масъулият катта. Шу сабабли фестивалда республикамиздаги ногиронлар жамиятлари, “Умр”, “Қалб нури”, “Ҳунарманд” ва бошқа кўплаб жамоат ташкилотларининг тақдимотлари намойиш этилди.

## ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ КАФОЛАТИ

Тадбир якунида турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

**Х. ҚОБИЛОВ.**

# ЮРТИМ ГЎЗАЛЛИГИ — ҚАЛБЛАРИМИЗ ЧИРОЙИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақил миллат шундай бир аҳд қилиши керак эдики, бу аҳд бизнинг тилу дилимизни бир қилсин. Бир жону бир танга айлантирсин. Бу аҳд энди бор. У Миллий ғоямизда. Озод, обод, фаровон, эркин фуқаролик жамиятини қуриб яшаш ниятимизда мужассам.

Бозор иқтисодиёти танбал, ишёқмас, боқимандаларга шафқатсиз. Худо ҳам бундайлардан безор. Уларга тошнинг гардини ҳам бермайди. Фаол, тиниб-тинчимас, изланувчан, янгиликка интилувчи одамларга меҳрибон, қўли очиқ. Бир қараганда, бундай одамлар ўзлари учун елиб-югуриб, ижод қилиб, янгиликлар яратиб бахтга эришадигандек. Бироқ, ўзлари билиб ё билмай жамият, миллатининг бир кичик мушкулини ечадилар, оғирини енгил қиладилар.

Янги хулқ-атвор, одатлар ҳеч қачон бирданига, ўз-ўзидан урф бўлиб кетмаган. Улар дастлаб пухта асосланиб, қатъият билан жорий этилади. Жамият бунга аста-аста кўникади. Кейинчалик бу хулқ-атвор меъёрлари — одатга, ундан кейин эса эъзозли миллий қадриятга — фазилатга айланади. Миллий анъаналар, масалан, ўзбекона меҳмондўстлик, японларнинг тиришқоқлиги бунга мисол бўлиши мумкин. Демак, “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида белгилаб берилган миллатнинг маънавий дардларига дармон фазилатлар урф-одатларимизга сингдира борилиши керак.

Ҳозир — бозор иқтисодиётида ўзбекларнинг: “Ишлаган — тишлайди!”, “Қозон ўтдан — одам ҳаракатдан қизир”, “Аҳд қилган — бахт топар” деган мақоллари ишламоқда.

Бугун миллатга қўли кучли, нияти пок, тили, ақли билан пул топиб, ўзию миллатини бой қиладиган фарзандлар керак. Хайрият. Мустақиллик туфайли иродали, тиниб-тинчимас, ижодкор, бошлаган ишини охирига етказмаса ўтирмайдиган янги авлод келаётир. Улар бошқача. Ўйлари ҳам, гаплари ҳам, юриш-туриш, кийинишлари ҳам, муомалалари ҳам.

Улар вақтларини чойхоналарда, зиёфатларда маишат билан нарда, қарта ўйнаб ўтказмайдилар. Чунки улар учун энг қиммат нарса — ВАҚТ. Улар ҳатто бизга ўхшаб ҳол-аҳвол сўрашишнинг ўзига 5-10 дақиқа вақтни ҳам қизғанадилар. Улар камгап. Ишга ўзларини оҳуга ташланган шердек отадилар.

## РОҲАТ = МЕҲНАТ

Роҳат меҳнатга тенг.

Мутараққий мамлакатларда одамлар қандай ишлаётганлигига бир назар ташласак. Жанубий Кореяда 2 йил ишлаб келган 45 ёшли ўзбек — Эргаш ака сўзлайди: “Жанубий Кореяни юксалтирган нарса, менимча, қаттиқ меҳнат, ички интизом. Кичик, маиший нарсаларда ҳар хил фикрлик, лекин катта нарсаларда — дили, тили бирлик. Кичик, хусусий корхоналарда одамлар 12 соатдан (1 соат тушликка) ишлайди. Якшанба — дам олиш куни. Қизиқ, ишдан эрта кетиш, “Ака, бир маъракамиз бор эди, шунга бормасам бўлмай турибди. Мени сўрашса, “Шу ерда, денг, хўпми?!” деган илтимослар, “Бошлиқнинг қариндоши”, “Фалон бойваччанинг оғайниси” каби гапларга ўрин йўқ.

Мен ишлаган корхонада бошлиқнинг икки жияни — ака-сингил ишлар эди. 2 марта беш минутдан ишга кеч келган эди, акасини ҳайдади. Мебелга қулфни 2 марта нотўғри ўрнатган эди — синглисини ишдан бўшатди. Талаб жуда қаттиқ — сифатли, 12 соатлик машаққатли, бетиним меҳнат.

Уларнинг иш тарзи қумурсқалар ҳаётига ўхшайди. Кўп ишламаса, яшай олмайди. 40 ёшга кириб, ўзини эплаб олгач, уйланади. Кўпи бир умр ижарада яшайди. Уй ўта қиммат. Ер кам.

Шунда беихтиёр 2008 йил, яъни «Ёшлар йили»да:

*— ҳудудларимизда ёш оилалар учун уй-жой қурилиш ишларига 46 миллиард сўм кредит ажратилганлигини;*

*— 15 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилганини;*

*— 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлганлигини;*

*— йил охиригача яна 52 та кўп қаватли уй битказилиб, 1900 та ёш оилага яп-янги уйнинг калити берилганлигини;*

*— яна 1300 нафар ёш ўқитувчи якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олишганини;*

*— «Меҳрибонлик уйлари» битирувчиларидан 90 нафарига янги квартиралар калити берилганлигини эсладик.*

Ҳали ёш, қийин юксалаётган бўлса-да, ўз фарзандларининг ижтимоий ҳимоясида турган Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фахрландим. Сиз-чи, ҳурматли ватандош?

Уй-жойли бўлган 4000 га яқин ёш оила 2008 йилни кузатаётиб, ўз миннатдорликларини давлатимизга қандай билдирган экан? Агар сиз ўша 4000 нафар бахтиёрлардан бири бўлсангиз, нима деган бўлардингиз?

## СИНОВ

Жаҳон молиявий инқирози тобора авж олиб бораётир. Кўпга келган тўй. Буни ҳам енгиб чиқамиз. Чунки бу умуминсоний муаммонинг асл сабаблари Президентимиз томонидан Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган маърузасида аниқ-тиниқ очиб берилди. Ўзбекистон бошқа кўплаб давлатлар сингари ташқи омилларга қарам эмас. Хатарлар олдида ҳимоясиз, ночор эмас. Ташқи қарзимиз халқаро мезонларнинг энг мақбул микдорида. Банк тизимимиз жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли ҳимояланган. Зарур чоралар кўрилмоқда. Лекин бу жаҳон молиявий инқирози бизга таъсир қилмайди, дегани эмас. Бу жиддий синовни енгиш учун ҳар биримиздан юксак масъулият, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишимиз талаб этилмоқда.

Биз кечаги маънавият, ўй-хаёл, ниятлар билан яшай олмаймиз. Янгича фикрлаб, янгича яшасак — ғолиб, эскича фикрлаб, эскича яшайверсак — мағлуб бўламиз. Чунки жаҳоннинг аксарият миллатлари эски, зарарли нуқсонлардан қутулиб, енгил бўлиб, олға югураяпти. Бу пойгада қайси миллат замонанинг энг илғор фазилатларига эга бўлса, ўша ютади. Илмли, фазилатли, бой ва шулар сабаб — кучли бўлади. Биз замонанинг ана шу талабларини қанча тез англаб амал қилсак, эскича фикр-ўй, одатлардан қанча тез қутулсак, шунча тез енгил, соғлом бўламиз. Ана шунда бир ватандошимизнинг ярми ҳазил, ярми чин қилган башоратининг гувоҳи бўламиз. У шундай деган эди:

**— ўзбек тили — жаҳон тилларидан бирига айланади;**

**— ўзбек сўми — энг қиммат пул бўлади;**

**— бошқалар илм ва спортда ўзбекистонликлар эришган даражаларга яқинлашганлиги билан мақтана бошлайдилар;**

**— ўзбекистонликлар меҳнат таътилларини дунёнинг энг гўзал, сўлим жойларида ўтказадиган бўлишади.**

Бу ширин, эришса бўладиган ва биз эриша бошлаган аниқ марралар.

Шундай эмасми?

**Муҳаммад ҚУРОНОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 3 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 891,98 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2117,46 |
| 1 Дания кронаси | 238,21 |
| 1 БАА дирҳами | 384,75 |
| 1 АҚШ доллари | 1413,15 |
| 1 Миср фунти | 253,25 |
| 1 Исландия кронаси | 12,31 |
| 1 Канада доллари | 1106,36 |
| 1 Хитой юани | 206,63 |
| 1 Малайзия ринггити | 379,47 |
| 1 Польша злотийси | 378,05 |
| 1 СДР | 2073,60 |
| 1 Туркия лираси | 832,73 |
| 1 Швейцария франки | 1202,68 |
| 1 ЕВРО | 1850,24 |
| 10 Жанубий Корея вони | 8,94 |
| 10 Япония иенаси | 144,78 |
| 1 Россия рубли | 39,56 |
| 1 Украина гривнаси | 183,53 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАХОН

## 24 соат ичида

***Гаагада Ливан собиқ бош вазири Рафиқ Харирийнинг ўлдирилиши юзасидан суд жараёни бошланди, дейилади "AFP" ахборот агентлиги хабарида.***

### Суд жараёни бошланди



Шу ўринда келтириб ўтиш керакки, мазкур иш юзасидан трибунал 2007 йилда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан тузилган бўлиб, унда 11 нафар судья иштирок этади.

Маълумотларга кўра, ишда айбдор сифатида иштирок этаётганлар орасида тўрт нафар ҳарбий генерал ҳам бор.

Эслатиб ўтамиз, Рафиқ Харирий ҳаётига 2005 йилнинг 14 февралида суиқасд уюштирилганди. Ўшанда бош вазирнинг автомобили портлатиб юборилган. Натижада у ва яна 22 нафар киши ҳалок бўлганди. Ливанликлар бу жиноят Сурия махсус хизмати томонидан уюштирилганини маълум қилганди. Аммо расмий Дамашқ ушбу айбловни мунтазам рад этиб келмоқда.

### Харажат даромаддан кўп

***Мексиканинг "Petroleos Mexicanos" (Pemex) нефть қазиб олувчи компанияси ўтган йили 109 миллиард песо (1,8 миллиард АҚШ доллари) миқдорида зарар кўрганини маълум қилди. Бу хабар компаниянинг расмий интернет саҳифасида тарқатилган.***

Таҳлилларга қараганда, компания 2008 йилда 662 миллиард песо (49,3 миллиард АҚШ доллари) миқдорида даромад қилган. Аммо солиқ тўловлари ва харажатлар учун 772 миллиард песо (57,3 миллиард АҚШ доллари) сарфланган.

Айтиш жоизки, "Pemex" жорий йилда нефть қазиб олиш ҳажмини 9,2 фоизга қисқартиришни режалаштирмоқда.

### Қуёшдан қувват олади

***"Samsung" компанияси "Blue Earth" типидаги, қуёш энергияси ҳисобига ишлайдиган қўл телефонларини намойиш этди.***



Мазкур уяли алоқа воситаларининг ташқи қисми пластик хом ашёдан тайёрланган бўлиб, у энергия олиш вазифасини бажаради.

Аҳамиятлиси, уларда махсус қурилма ўрнатилган бўлиб, у кунига қанча масофа босиб ўтганингизни ва агар машинада бўлсангиз, атмосферага қанча миқдорда карбонат ангидрид чиқарганингизни ҳисоблаб туради.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# «ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ!»

***Президентимизнинг жорий йил 6 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига асосан, Андижон вилоятида ҳам йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш тадбирлари ўтказилмоқда.***

Она Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга отланганлар орасида пахтаободлик Зиёвуддин Абдураҳмонов ҳам бор. Улғайиб куч-қувватга тўлган, шижоатли Зиёвуддиннинг белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтишига спорт билан мунтазам шуғуллангани жуда қўл келди. У мактабда ўқиб юрган кезлари туман марказида очилган кикбоксинг, бокс тўгаракларига қатнашган. Агросаноат касб-ҳунар коллежига ўқишга борган вақтида эса спортчи сифатида анчайин танилиб улгурганди.

Зиёвуддин дарсдан бўш пайтларида дадасининг боғдорчилик йўналишидаги «Чуқурсой» фермер хўжалигига ҳам қарашиб турарди. Шу боис қишлоқ хўжалигидан ҳам, озми-кўпми, хабардор. Бундан ташқари, компьютерда ишлашни ҳам пухта ўзлаштирган.

— Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, деган нақл худди Зиёвуддинга ўхшаганларга айтилгандай, — дейди туман меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Ғуломқодир Абдураҳимов. — У Пахтаободнинг моҳир чавандози ҳам. Яқинда водий вилоятлари, қўшни мамлакатдан келган энг абжир чавандозлар ўртасида ўтказилган улоқ мусобақасида Зиёвуддиннинг қўли баланд келиб, у махсус соврин билан тақдирланди.

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз сафлари Зиёвуддинга ўхшаган ҳар жиҳатдан етук, соғлом, интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан тўлиб бораётгани қувонарлидир. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларида таҳсил олишган, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ҳайдовчилар тайёрлаш курсини тамомлашган. Бу эса аскарлик даврида қўл келади.

### Мардлар қўриқлайди Ватанни

— Бугун ёшларимиз аскар бўлишга интилаяпти. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд. Ахир, бевосита Юртбошимизнинг эътиборлари билан миллий армиямизнинг қиёфаси батамом ўзгарди, ҳарбий тайёргарлик учун барча имкониятлар яратилди, — дейди Андижон туманидаги «Экин-тикин» маҳалласи фаоли Сойибжон Жалилов. — Энг муҳими, аскарлар ўртасида соғлом муҳит шаклланди. Йигитлар учун ҳарбий хизматга бориш ҳақиқий шарафга айланди. Шу боис ҳам фарзанди муддатли ҳарбий хизматга борамал деса, бу ота-она учун ҳам юксак фахр бўлиб қолди. Мана, жорий йилдан бошлаб армияга чақирув йилда бир марта амалга оширилади.



Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ташкил этилаётган кузатиш маросимларида ким билан суҳбатлашмайлик, дилидаги фикрларни, эзгу ниятларни мана шундай мамнунлик билан билдирди. Муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитлар жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, ота-оналар, дўсту биродарлари олдида дил сўзларини изҳор этишди:

— Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай асрашга ваъда берамиз, — деди чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Алишер Бадалов. — Аъло хулқимиз, намунали хизматимиз билан фарзандлик бурчимизни, албатта, оқлаймиз.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўз ишлаб чиқаришингизни такомиллаштириш бўйича ғояларингиз бўлса, янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда ўз корхоналарингизни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни хоҳласангиз —

«ПАХТАБАНК»КА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

## ОАТБ «ПАХТАБАНК»

сизнинг инвестицион лойиҳангизни қўллаб-қувватлайди ва молиялаштиради!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли қарорига асосан, иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахтабанк» қуйидаги йўналишларга:**

- *ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, агросаноат мажмуаси етакчи тармоқлари корхоналарининг локализация даражасини ошириш ҳамда шу асосда янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга;*
- *ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга;*
- *корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, хусусан, замонавий асбоб-ускуналар ва минитехнологиялар сотиб олиш, ички бозорни сифатли маҳаллий товарлар билан тўлдиришга камида 1 йиллик имтиёзли давр билан 3 йилдан ортиқ муддатга ва йиллик 14 фоиздан ошмаган ставкада имтиёзли кредитлар ажратади.*

**Кредит олиш учун мижоз қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

- *кредитнинг мақсади кўрсатилган ариза;*
- *пул оқимлари прогнози кўрсатилган бизнес-режа;*
- *техник-иқтисодий асосланиш, шунингдек, ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;*
- *корхонанинг охирги 3 йилдаги молиявий ҳисоботлари;*
- *инвестицион лойиҳа асосида ишлаб чиқариладиган экспортбоп маҳсулот учун тузилган шартномаларнинг нусхалари;*
- *кредитнинг таъминоти бўйича маълумот.*

Хизматлар лицензияланган.

Батафсил маълумот олиш учун «Пахтабанк»нинг барча филиалларига ёки 150-53-44 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

«ПАХТАБАНК» – СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИНГИЗ!

180R/163



## Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

## «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 24 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига такроран Жалақудуқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 ноябрдаги 17-0602-9122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалақудуқ тумани, «Ёрқишлоқ» ҚФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, «Ёрқишлоқ ип-йигирув ва тўқув» ҲЖга қарашли, А-литерда маъмурий бино, А1-литерда темир айвон (навес), Б-литерда қоровулхона, В-литерда ошхона, В1-литерда темир айвон (навес), Е-литерда тўқув цехи, ўтиш жойи, Ж-литерда қоровулхона, З-литерда (ХКС) музлатиш-компрессор хизмати биноси, И, К-литерларда резервуарлар, Л-литерда совитиш ускунаси (градирня), М-литерда АНС (автонасос станцияси), Н-литерда чуқур қудуқ учун насос (скважина глубинного насоса), О-литерда қоровулхона, П, Р, С-литерларда резервуарлар, У-литерда ҳовуз, Ф-литерда 2 дона 25 куб. метр мазут сиғими, Х-литерда мазут омбори, Х1-литерда 50 куб. метр мазут сиғими, Ю-литерда бетон ҳовуз, Я-литерда темир-бетон ҳовуз ҳамда К-литерда қоровулхона (А, В-литерлардаги биноларнинг умумий фойдаланиш майдони — 1989,65 кв.м., А1, Б, В1, Е, Ж, З, И, К, М, Н, О, П, Р, С, У, Х, Ю, Я, К-литерлардаги бино-иншоотларнинг умумий қурилиш майдони — 14664,62 кв.м.).**

***Бошланғич баҳоси — 2 581 054 591 сўм.***

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, ИНН: 200933850.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
**Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

179Н/147



## TURONIMPEKS SERVIS

VOLVO корпорациясининг расмий вакили

**сизга Volvo русумидаги замонавий юк автомобиллари, қурилиш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртма асосида етказиб беришни таклиф этади.**









Манзилимиз: 100000, Тошкент ш., Ниёзбек йўли к., 1-уй.
Тел.: +998 71 120-66-20. Факс: +998 71 120-66-30. E-mail: volvotruckuz@buzton.com



Товар сертифицирован

INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

DELL™

**... от карманных компьютеров до серверов...**



**3 года полной гарантии !!!**

**Технологии, обеспечивающие уверенность**

**Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.**



**Завод TTEMZ** изготавливает и реализует:

## КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий




- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

## АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах




**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

**Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.**
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

142Н/2011



НОВЫЙ NISSAN X-TRAIL




## X-TRAIL

Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL – Ваш пропуск в мир незабываемых технологий.

NISSAN SHIFT_capabilities

**СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ**
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане – компании Premium Auto. 295 88 77
*Цена от $* 51 000, гарантия – 2 года, или 50 000 км пробег + ОСАГО в ПОДАРОК
*Цены указаны с учетом таможенных платежей.

80R/84


***Болалар жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими қошида янги ўқув маркази иш бошлади.***

### ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Бу ерда ёшлар компьютер саводхонлиги, бухгалтерия ҳисоби, пазандачилик, тикувчилик, расм-чизмачилик курсларида сабоқ олиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятига эга. Айни пайтда марказга юздан зиёд ўғил-қизлар жалб этилган.

— Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари бепул ўқитилмоқда, — дейди Болалар жамғармаси вилоят бўлими раиси Комила Собирова. — Марказда ўғил-қизлар ўзлари қизиққан йўналишда касб-ҳунар ўрганиб, тегишли сертификатга эга бўлади.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**


«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# ДИПЛОМАТЛАРНИНГ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

***Бундан тўрт йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббуси билан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида биринчи шахмат турнирига асос солинган эди.***

Куни кеча вазирликнинг Қабуллар уйида анъанавий V шахмат турнири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ва Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган навбатдаги мусобақада Россия, Ҳиндистон, Украина, Туркия, Индонезия, Италия, Латвия, Руминия, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда БМТ ва ШҲТдан ўттиздан ортиқ ҳаваскор шахматчи дона суришди. Шунингдек, ҳамюртимиз, Манилада ўтган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси совриндори, гроссмейстер Сайдали Йўлдошев бир вақтнинг ўзида ўн тўртта тахтада сеанс ўтказди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ҳ. Кароматов мазкур турнирнинг оммавийлиги йилдан-йилга ошиб бораётгани, асосийси, у элчихоналар ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Икки кун давом этган қизғин беллашувлар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 10 очко жамғарган Индонезия давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари қўлга киритдилар. Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси жамоаси 8 очко билан иккинчи, Қозоғистон ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳаваскор шахматчилари эса 7,5 очкодан тўплаб, учинчи ўринни эгаллашди.

— Ушбу шахмат турнирида кузатувчи сифатида иштирок этаяпман, — дейди Словакиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Йозеф Мачишак. — Давлатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда спортнинг ўрни муҳимлигига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Мусобақа баҳона кўплаб дўстларимиз билан учрашдим. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўзи олам билан қутлайман.





*Мамлакатимизда яккакураш спорт турлари орасида таэквондо (ВТФ) бўйича ўтказиладиган мусобақалар доимо муросасизлиги билан ажралиб туради. Боиси, ушбу спорт тури Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Бугунги кунда 20 минг нафардан зиёд ўзбекистонлик ёшлар таэквондо (ВТФ) бўйича машғулотларда қатнашишади. 2008 йили Пекинда бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида 202 мамлакат таэквондочилари медаллар учун кураш олиб боришганди.*

# ОЛИМПИАДА ТАЖРИБАСИ ТОШКЕНТДА ҚЎЛЛАНИЛДИ

28 февраль — 1 март кунлари пойтахтимиздаги Республика Давлат солиқ қўмитасининг спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўсмирлар ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги айнан Олимпиада тизимида ташкил этилди. Унда 400 нафардан ортиқ спортчи ўзаро куч синашди.

— 2012 йилги Лондон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди Ўзбекистон таэквондо (ВТФ) ассоциацияси раиси Аълам Муллаев. — Шу сабабли, 2009 йилги тақвим режадан ўрин олган иккита расмий мусобақани бир вақтда ўтказишга қарор қилдик. Маълумки, бугунги ўсмирлар яна икки йилдан сўнг катталар сафига қўшилишади. Келажакда айнан улар орасидан Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган профессионал спортчилар авлоди етишиб чиқиши шубҳасиз. Мақсадимиз, ёшлар катталар ўртасидаги чемпионат баҳсларини кузатиш орқали тажриба орттиришсин. Бугунги мусобақалар Олимпиадага тайёргарликнинг илк босқичи ҳисобланади.

Мусобақа якунида ўсмирлар ўртасида фарғоналик Миржалол Мелибоев, сурхондарёлик Муҳайё Нормуродова, тошкентлик Евгений Нагай каби ўнлаб ёшлар ўз вазн тоифаларида ғолибликка эришдилар. Катталар ўртасида эса Пекин Олимпиадаси иштирокчилари Акмал Эргашев, Евгения Каримова, Дмитрий Ким ҳамда Лайлохон Оролбекова, Ферузабону Абдураҳмонова, Жасур Бойқўзиев шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

Энди ғолиблар орасидан жорий йил Голландия, Таиланд, Руминия, Жанубий Корея, АҚШ, БАА ва Канада давлатларида ўтказиладиган нуфузли халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоа шакллантирилади.

***1 март куни футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасининг биринчи тур ўйинларига старт берилди.***



# ДЕБЮТАНТЛАР ИБРАТИ

Турнинг марказий учрашувларидан бири Тошкентда "Пахтакор" ва "Бухоро" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шу куни ёмғир ёғаётган бўлишига қарамай, севимли жамоасини қўллаб-қувватлаб туриш учун "Пахтакор" стадионига 7 мингдан ортиқ ишқибоз ташриф буюрди.

Илк дақиқалардан "пахтакорчи"лар ташаббусни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилдилар. Кетма-кет ҳужумлар 42-дақиқага келиб, самарасини берди. "Пахтакор" ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов рақиб дарвозасига тўп киритиб, жамоасини олдинга олиб чиқди — 1:0.

Иккинчи бўлим ҳам тезкор ҳужумларга бой бўлди. Одил Аҳмедов томонидан 64-дақиқада амалга оширилган жарима зарбасидан кейин "Пахтакор" таркибига янги қўшилган сербиялик легионер Боян Миладинович дебют учрашувидаёқ гол уришга муваффақ бўлди — 2:0. Яна бир дебютант Шерзод Каримов 85-дақиқада ҳисобни 3:0 кўринишига олиб келди.

"Бунёдкор" ушбу турда сафарда Самарқанднинг "Динамо" клубига қарши майдонга тушди.

Беллашувнинг 38-дақиқасида Ривалдонинг қанотдан ошириб берган тўпини "Бунёдкор" таркибига янги қўшилган бразилиялик Виктор Жоао боши билан Олег Горвиц қўриқлаётган дарвозага жойлаб, амалдаги чемпионимиз учун муҳим бўлган уч очкони тақдим этди.

Биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Андижон" — "Локомотив" 0:1, "Навбаҳор" — "Олмалиқ" 0:0, "Насаф" — "Шўртан" 4:2, "Сўғдиёна"— "Машъал" 1:0, "Металлург" — "Хоразм" 0:1, "Қизилқум" — "Нефтчи" 2:1.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**



Спорт • Sport • Спорт

ТУЙҒУ

***Баҳор! Биз бу инжа фаслни қишнинг ўрталаридан соғина бошлаймиз. Вужудимиздаги мудроқлик ҳам фасли навбаҳор келиши билан ҳушёр тортади. Борлиқ уйғонади — руҳимизни севинчга, қалбимизни эзгу ҳисларга тўлдириб. Куртагу майсалар ёқимли шивирлаган сайин ажиб куй хиргойи қила бошлайди.***

# АССАЛОМ, БАҲОР!

Шу онлар беғубор болалик чоғларимиз, илк муҳаббатнинг бетакрор дамлари ёдга тушади. Қирларга юкуниб, теракларга ўйиб ёзилган исмимиз, юрак қатида мангу из қолдирган ўша гўзал хотиралар чечагу лолага айланиб, қирларга кўчгандек гўё.



— Сен баҳорни соғинмадингми?

Шу ҳаётбахш умид сабаб баҳор чоғи ёлқинларга буркангимиз келади. Ял-ял ёнոқдан ранг олган лолазорга талпиниб, қирмизи кенгликлар бағрида ширин орзуларга бериламиз. Зеро, ҳар баҳор, ҳар майсаю гиёҳ тимсолида қалбдаги умид акс этади, порлайди, балқийди.

Навбаҳор бахш этган беғубор туйғулар тоғлардай улканлаша боради. Мўъжиза рўй беришини орзиқиб кутамиз. Ўша бетакрор мўъжиза ҳам юз беради. Ахир, остонада азалий айём — Наврўзи олам эшик қоқмоқда! Дилларни меҳру мурувватга, эзгулик ва нафосатга ундагувчи гўзал айём бизни йўқламоқда. Бу кун кўнгилларда гул унади. Теварак-атроф, одамлар, дала-дашту қишлоқлар гуркирайди, яшнайди, кўнгиллар ободликка юз тутади. Бундай фусункор табиатни кўриб вужуд яйрайди, яқинларингизни ҳам саволга тутасиз:

— Сен баҳорни соғинмадингми?

Улуғ айём муносабати билан бахтимиздан, умидимиздан, улкан орзуларимиздан сўз очамиз. Дориламон кунлар ҳаққи-ҳурмати шукроналар айтамиз, фаровон ҳаётимиз, эртанги ёруғ умидимизга кўз тегмасин, деймиз. Истиқлолимизнинг олтин китобидан олтин саҳифаларни ўқиб, фахру ифтихор туямиз.

Шу дамларда атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг дилларимиздаги соғинчни ўзида мужассам этган мана бу сатрлари ёдга тушади:

***...Мана бугун***
***Наврўзи олам,***
***Дўстларимга***
***гуллар тутарман.***
***Қайлардасан севгили,***
***эркам,***
***Қўлимда гул***
***сени кутарман.***
***Умрим бўйи***
***чорлаб ўтарман,***
***— Сен баҳорни***
***соғинмадингми?..***

Соғинганимиз, интиққанимиз — кўклам биз учун ўз сепини ёяр экан, нур балқкан чеҳралар, эътиқод ва ишончга лиммо-лим қалблар билан унга пешвоз чиқамиз. Зеро, бу жаннатмонанд диёрнинг пок қалбли одамлари ҳам фасли навбаҳор янглиғ беғубордир. Уларнинг ҳиммати баланд, ғайрати чексиз, иштиёқи ҳадсиз, орзулари ёруғ, ниятлари улуғ. Бундай юртга кўкламлар ҳамиша ярашади, бу заминга Наврўзлар хуш келади, бу элда айёмлар қутлуғ саналади. Зотан, биз ўзлигини англаб етган, муборак Истиқлол қадри улуғланган, меҳр-оқибат асраб-авайланаётган юртнинг фуқароларимиз. Илло, бундай мўътабар заминдан қут-барака ва файзу тароват ҳаргиз аримагай!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

***Қирғизқўрғонча — Бувайда туманининг олис қишлоқларидан бири. Яқин вақтларгача қишлоқ аҳолиси малакали тиббий хизмат олиш учун туман марказига қатнашга мажбур бўларди.***

# ЧЕККА ҚИШЛОҚДА ШИФОХОНА

**Саломатлик**

4000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган мазкур қишлоқда бунёд этилган қишлоқ врачлик пункти беморларни қабул қила бошлагач, бундай оворагарчиликка эҳтиёж қолмади.

Ушбу муолажа масканида беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Лаборатория, даволаш хоналари ишлаб турибди. Яқин кунларда эса 50 миллион сўмлик энг замонавий тиббиёт жиҳозлари ҳам олиб келиб, ишга туширилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «АСАКА» банки (ОАЖ)

ASAKA BANK

**миллий ва хорижий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ: «НАВРЎЗ»**

**Сақланиш муддати – *6 ой.***
**Омонат бўйича йиллик *28 фоиз ҳисобланади ва қўшимча 2 фоиз бонус.***

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ: «САРМОЯ» (АҚШ ДОЛЛАРИДА)**

**Сақланиш муддати — *6 ой.***
**Омонат бўйича йиллик *10 фоиз ҳисобланади ва қўшимча 2 фоиз бонус.***



«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-14 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 120-84-26 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сирғали филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (3742) | 24-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (3742) | 33-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (3742) | 26-62-37 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | ( 3732) | 24-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (3732) | 37-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (3734) | 32-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (3735) | 52-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (3692) | 26-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | ( 4362) | 23-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (4365) | 73-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (3652) | 23-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (3652) | 24-24-29 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (3662) | 31-19-97 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (3662) | 34-18-10 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (3752) | 21-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (3612) | 23-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (3622) | 26-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (3672) | 25-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (3722) | 26-43-11 |

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*


# ОБ-ҲАВО

**(3 март)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 2-7, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 5-10, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 5-7, кундузи 10-12 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим
**Виссарион Григорьевич ПАКнинг**
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Малика Меликўзиевна Қодироваға онаси
**Раҳимахон АҲМЕДОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) жамоаси Пул муомаласи ва чакана банк хизматлари департаментининг бошлиғи Баҳодир Мирбобоевга падари бузруквори
**АНВАР отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"TO'RTINCHI" МЧЖ стоматология поликлиникаси жамоаси бош шифокор, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси
**Хуршит МЎМИНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон — Германия "Савдогар" акциядорлик тижорат банки жамоаси Ички аудит бошқармаси бошлиғи Зоир Иноятовга падари бузруквори
**ИБРОҲИМ отанинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилгача бўлган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини ҳамда маркаларни кляссер ва буклетларда тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.00 7